


Нақд пул муомаласи бўйича қисқача шарҳ

2023 йилда умумий пул тушумлари **669 трлн.** сўмни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан **28 фоизга** ўсди.

Умумий пул тушумларида терминал орқали тушумлар улуши 2022 йилдаги **34 фоиздан** 2023 йилда **38 фоизга** ўсиши кузатилди. Савдо ва хизматлар соҳасидан терминал тушумлари салмоғи ўтган йилдаги **37 фоиздан** **40 фоизга** ошди.

1-расм: Умумий пул тушумлари таркиби ва динамикаси




2023 йилда банклар орқали нақд пул айланмаси ҳажми **831 трлн.** сўмни ташкил этгани ҳолда, 2022 йилга нисбатан **19 фоизга** ошди.

Жумладан, банкларга нақд пул тушумлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **20 фоизга** ўсиб, **414 трлн.** сўмни ташкил қилди.

2-расм: Нақд пул тушумлари ҳажми ва таркиби динамикаси


трлн.сўмда



2023 йилда банк кассаларидан (шу жумладан, банкоматлардан) берилган нақд пуллар 2022 йилга нисбатан **17 фоизга** кўпайди ва **417 трлн. сўмни** ташкил этди.

3-расм: Банклардан нақд пулдаги чиқимлар ҳажми ва уларнинг мақсадлари бўйича таркибий динамикаси

трлн.сўмда




2023 йилда банк карталарига **789 трлн. сўм** маблағлар кириш қилинган. Бу кўрсаткич 2022 йилга нисбатан **1,4 баробарга** ошди. 2023 йилда банк карталаридаги **189 трлн. сўм** маблағлар нақдлаштириб олинган.

2022 йилда банк карталарга келиб тушган маблағларнинг **27 фоизи** нақдлаштириб олинган бўлса, бу кўрсаткич 2023 йилда **24 фоизни** ташкил этди.

4-расм: Банк карталарига келиб тушган маблағлар ва уларни нақдлаштириш ҳажмлари динамикаси

трлн.сўмда



2024 йил 1 январь ҳолатига нақд пулларнинг умумий пул массасидаги улуши **21,5 фоиз**ни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **0,8 фоиз** бандга пасайди.

5-расм. Муомаладаги нақд пулларнинг пул массасидаги улуши динамикаси

